

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

4-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>Д. Анваров</b>	
“Бобурнома” асарида Эсан Давлатбегимнинг Фарғона водийси жараёнларидаги тасвири..	167
<b>М. Жўраев</b>	
Ўрта Осиё туркий халқлари астромифологиясида оқбўзот ва қўкбўзот юлдузлари.....	170
<b>З. Раҳимов, Д. Гуломов</b>	
Романда ассоциатив сюжет.....	174
<b>М. Ғаниев</b>	
Ўзбек насрида тарихий роман генезиси ва ривож.....	176
<b>М. Хамидов</b>	
Романларда Машраб образи билан ёндош тарихий шахслар .....	180
<b>Р. Умурзаков</b>	
Мумтоз адабиёт намуналарида бола образи ва давр руҳи .....	186
<b>И. Саймуратова</b>	
Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романида бош қаҳрамон масаласи .....	190
<b>Д. Тўраева</b>	
Бадиий ижодда онгли ва интуитив ҳолатлар .....	195
<b>Н. Бўриева</b>	
Уилям Шекспир сонетларининг бадиий хусусиятлари.....	200
<b>Н. Ҳамраев</b>	
Нодавлат телеканаллар медиамаҳсулотлари номланишининг ўзига хос хусусиятлари .....	204
<b>Х. Убайдуллаев</b>	
Турли тиллардаги фразеологизмларнинг эквивалентлари ҳақида .....	208
<b>М. Батирханова</b>	
Соматик фразеологизмларнинг таснифлаш масаласига доир.....	211
<b>Ш. Хасанова</b>	
Расмий иш услубининг лексик ва фразеологик хусусиятлари.....	214
<b>Г. Турдиева</b>	
Лингвокультурология замонавий лингвистик таълимот сифатида.....	217
<b>Л. Галимуллина</b>	
Инглиз тилида фразеологик бирликларда учрайдиган қимматбаҳо тошлар ва металлларнинг рамзий аҳамияти.....	221
<b>Н. Гофурова</b>	
Инглиз ва ўзбек тилларида қурилиш терминларининг структурал - семантик таснифи .....	226
<b>У. Маҳмудова</b>	
Тилшуносликда реклама мустақил дискурс сифатида .....	229
<b>З. Акбарова</b>	
Концепт ва лисоний онг .....	233
<b>З. Тожиматова</b>	
Ўзбек адабиётидаги илк аёл ижодкорлар ва уларнинг ўрганилиши.....	235
<b>Х. Хусамбоева</b>	
Умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини оширишда рейтинг индикаторларининг аҳамияти .....	238
	<b>ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ</b>
Адабиётимиз фидойиси .....	241

пишлансун» – япроқлар сарғайиб, хазонрезги билан бошланадиган куз фасли; «оқ отим оқлансун» – оппоқ қор билан ўтадиган қишнинг поэтик аналог» [9,69]. Назаримизда, болалар поэтик фольклори намунаси сифатида қайд этилган бу қўшиқда Темир қозик юлдузи ва унга боғлаб қўйилган отлар тўғрисидаги миф акс эттирилган.

Оқбўзот ва Кўкбўзот юлдузлари тўғрисидаги қадимги туркий мифларнинг келиб чиқиши аجدодларимизнинг ҳаёт дарахти ёки дунё оғочи вазифасини бажарувчи самовий тоғлар ҳақидаги эътиқодий қарашлари билан ҳам боғланади. Қадимги мифологияда самовий тулпорлар оламнинг киндиги, яъни қоқ марказида қад кўтариб турадиган дунё тоғининг устида яшайди деб тасаввур қилинган. Қадимги сак мифологиясининг самовий тимсолларини таҳлил қилган А.К.Акишев от боғланадиган

яккачўп, олтин қозик, темир қозик сифатида тасаввур қилинган Қутб юлдузи – ҳаёт дарахтининг рамзий ифодаси эканлиги ҳақида ёзар экан, икки отнинг Темир қозик атрофида айланиб юриши мотиви Ўрта Осиёнинг қадимги ерли аҳолиси – саклар мифологиясига алоқадор бўлиши керак деган хулосага келган эди. Қозоғистоннинг Иссиқ кўрғонидан топилган сак шаҳзодаси дафинасидан чиққан осори атиқалардаги рамзий чизгилар семантикасини тадқиқ этган олим сак мифларида қўлланилган от образи кенг маънода само тимсоли сифатида талқин қилинган деб ҳисоблайди [2,34].

Хулоса қилиб айтганда, туркий халқларнинг анъанавий фольклорида сақланиб қолган Оқбўзот ва Кўкбўзот тўғрисидаги астромифологик тасаввурларнинг тарихий-генетик жиҳатдан муштарак негизга бориб тақалади.

#### Адабиётлар:

1. Абишев Х.Аспан сыры. – Алматы, 1966.
2. Акишев А. Искусство и мифология саков. – Алмата: Ғылым, 1984.
3. Аттухфатуз закиятү филлуғатит туркия (Туркий тил (қипчоқ тили) ҳақида ноёб тухфа). Таржимон ва нашрга тайёрловчи: С.Муталлибов. – Т.: Фан, 1968.
4. Байбосунов А. Донаучные представления киргизов о природе. – Фрунзе: Мектеп, 1990.
5. Байжигитов К. Қирғыз мифтери, уламыштери жана легендалари. – Фрунзе, 1985.
6. Баймырадов А. Туркмен фольклор прозасының тарыхы эволюциясы. – Ашхабад, 1982.
7. Беркутов В.М. Народный календарь и метрология булгаро-татар. – Казань: Татарское книжное издательство, 1987.
8. Боровков А.К. Игры узбекских детей // Сборник научного кружка при Восточном факультете Среднеазиатского государственного университета. Вып.1. – Т., 1928.
9. Галиев Ш. Ўзбек болалар ўйин фольклори. – Т.: Фан, 1998.
10. Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналари. – Т.: Фан, 1995.
11. Жўраев М. Ўзбек фольклорида юлдуз учиши билан боғлиқ астраль мифлар // Вестник Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан. – Нукус, 2018. – №3.
12. Зарифов Ҳ. Ўзбек халқ достонларининг тарихий асослари бўйича текширишлар // Пўлкан шоир. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 4-китоб. – Т.: Фан, 1976.
13. Назершина Ф. Халык хатере. – Өфө: Башкортстан китап нашрияты, 1986.
14. Хисамитдинова Ф.Г. Мифологический словарь башкирского языка. – М.: Наука, 2010.
15. Хоразм эртақлари. Нашрга тайёрловчи: Ф.Абдуллаев. – Т., 1961.
16. Қадимий ҳикматлар / Ўзбек адабиёти бўстони. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.

РОМАНДА АССОЦИАТИВ СЮЖЕТ  
АССОЦИАТИВНЫЙ СЮЖЕТ В РОМАНЕ  
ASSOCIATIVE PLOT IN THE NOVEL

З.Раҳимов<sup>1</sup>, Д.Ғуломов<sup>2</sup>

<sup>1</sup>З.Раҳимов

— ФарДУ доценти, филология фанлари номзоди.

<sup>2</sup>Д.Ғуломов

— ФарДУ магистранти

**Аннотация**

Мақолада роман сюжети қурилишининг ассоциатив шакли, роман жанрида унинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Ассоциатив сюжет усули орқали қурилган романларда конфликт, уларнинг ўзига хослиги мисоллар ёрдамида таҳлилга тортилган.

**Аннотация**

В статье раскрывается ассоциативная форма сюжета романа, его особенности в жанре романа. Конфликт в романах, построенный на основе метода ассоциативного сюжета, его своеобразие анализируется с помощью примеров.

**Annotation**

The article reveals the associative form of the plot of the novel, its features in the genre of the novel. The conflict in novels is based on the method of associative plot, its specificity is analyzed through examples.

**Таянч сўз ва иборалар:** роман, ассоциация, сюжет, кечинмалар, ўй-хаёллар, хотира, тасаввурлар оқими, эпик ривоят, конфликт.

**Ключевые слова и выражения:** роман, ассоциация, сюжет, переживания, мысли, память, поток представлений, эпическое повествование, конфликт.

**Keywords and expressions:** novel, association, plot, experiences, thoughts, memory, flow of imagination, epic narration, conflict.

Роман – доимий ривожланиш ва ҳаракатдаги, рус адабиётшуноси М.Бахтин тили билан айтганда: “Шаклланаётган ва ҳали тайёр бўлиб улгурмаган жанрдир” [1,447]. Табиийки, вақт ўтиши сайин унинг янги хусусиятлари, шакллари пайдо бўлмоқда. Бошқача қилиб айтганда, “Ҳозирги роман ўзининг ички имкониятлари, моҳияти ва эҳтиросларини рўёбга чиқариш йўлида зарур бўлган барча адабий жанрлар ҳамда бошқа “изм”ларни ҳайрон қоларли даражада ташналик билан қаърига тортаётган чангсўрғичга ўхшайди” [2,7]. Худди шундай, ўзбек романчилиги ҳам турли хил шакл ва усулларда намоён бўлмоқда. Улардан бири – роман сюжети қурилишининг “ассоциатив” шаклидир. Хўш “ассоциация” нима, сюжетнинг бундай усулда қурилишининг ўзига хос жиҳатлари нимада?

Ассоциация – психология ва фалсафада – шахснинг онгида акс эттирилган ва унинг хотирасида сақланадиган индивидуал воқеалар, фактлар, нарсалар ёки ҳодисалар ўртасидаги табиий равишда юзага келадиган боғлиқлик. А ва Б руҳий ҳодисалар ўртасида

ассоциатив боғлиқлик мавжуд бўлса, А ҳодисанинг онгда пайдо бўлиши табиий равишда Б ҳодисасининг пайдо бўлишига олиб келади [3].

Эндиликда, романларда асосий масала воқеалар, инсон ҳаёти тасвирланиб қолмасдан, инсоннинг ўй-хаёллари, кечинмалари таасуротлари, тасаввурлари, атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабати, ассоциацияларини тасвирлаш етакчи ўринга чиқмоқда. “Ҳозирги ўқувчи воқеаларнинг ўзидан ҳам кўпроқ унинг қаҳрамонлар руҳига таъсири орқали тасвирлашни маъқул кўриб, қабул қилмоқда” [4,152]. Эпик ривоянинг таркибига чуқурроқ кириб бораётган “ассоциатив” сюжет қурилиши, инсонни ҳар томонлама, таҳлил қилиш, унинг қалби, хис-туйғуларини чуқурроқ хис этиш имконини бермоқда.

Ўзбек адабиётида, хусусан, ўзбек романларида ассоциатив сюжет хусусиятлари, умуман олганда, сюжет қурилишининг ассоциатив усули ҳақида гап борганда, энг аввало, адабиётшунос олим А.Раҳимовнинг бекиёс меҳнатини таъкидлаб ўтиш керак.